

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 75 – СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИНИНГ МАЗМУН- МОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ОНЛАЙН АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Учрашувни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Элдор Шермонов олиб борди.

Онлайн анжуманда институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 сентябрь куни БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи ўзбек тилида бўлди. Бу мамлакатимиз халқига фахр, ифтихор туйғуларини бағишлади. Дунё ҳамжамиятининг энг нуфузли анжуманида ўзбек тилида қилинган ушбу нутқ қатор мамлакатларнинг раҳбарлари томонидан ҳам эътироф этилди.

Шавкат Мирзиёев мазкур анжуманда ўта долзарб масалаларни кўтарди, - дейилди онлайн мулоқотда сўзга чиққан институтнинг ўқитувчилари томонидан.

Булар БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш, барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш, БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш

сингарилардир.

Шунингдек, 2021 йилда Юнеско билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳаларида” мавзуида халқаро форумни Ўзбекистонда ўтказишга тайёрлиги маълум қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш таклиф этилди.

75-сессияда илгари сурилган таклифлардан яна бири қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишдир.

Бугунги кунда ёшлар масаласи бутун дунёда долзарблигича қолмоқда. Шундан келиб чиқилгани ҳолда Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирилди.

Ишчан руҳда ўтган ажуманда иштирокчиларга давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган фикрларнинг мазмун-моҳияти бўйича маълумотлар берилди.









